

**Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг  
2018-2023 йиллардаги фаолияти юзасидан  
МАЪЛУМОТНОМАга  
15-ИЛОВА**

**Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг  
2019 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан  
Тафтиш комиссияси томонидан ўтказилган текширув  
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

2020 йил 27 май

Тошкент шаҳри

АСОС: Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси тафтиш комиссияси (бундан кейин Тафтиш комиссияси) раиси С.Джураевнинг 2020 йил 12 майдаги 1-ТФ-сонли буйруғи.

Текширув тафтиш комиссияси раиси С.Джураев, аъзолари С.Розиков, Ш.Суванов, Т.Саматов ва Т.Садиновлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси (бундан кейин Адвокатлар палатаси) раисининг биринчи ўринбосари Ш.Садиковнинг оғохлигида ҳамда бош бухгалтер Ш.Усмонов иштирокида тақдим этилган ҳужжатлар асосида ўтказилди.

Текширув бошланди: 2020 йил 12 май

Текширув тамомланди: 2020 йил 27 май

Адвокатлар палатасининг 2018 йил 31 август кунигача молиявий-хўжалик фаолияти тафтиш комиссияси томонидан текшириб чиқилган (2018 йил 21 сентябрдаги Далолатнома).

Бундан ташқари, 2018 йил 17 ноябрь куни ўтказилган Адвокатлар палатасининг III Конференциясида Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармаларининг 2013-2018 йиллардаги молиявий-иқтисодий фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи, шунингдек Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармаларининг таъминоти учун қилинган харажатлар сметасининг ижроси тасдиқланган ҳамда Адвокатлар палатаси томонидан 2013-2018 йиллар мобайнида сарфланган пул маблағлари мақсадли деб ҳисобланган.

Мазкур текширувда Адвокатлар палатасининг 2019 йил 1 январь кунидан 2019 йил 31 декабрь кунигача бўлган давридаги молиявий-хўжалик фаолияти текширувдан ўтказилди.

Текширилаётган давр ичида Адвокатлар палатасида биринчи имзо қўйиш ҳуқуқи билан Садиков Шухрат Шавкатович раиснинг биринчи ўринбосари лавозимида 2019 йил 25 январдан ҳозирги вақтга қадар ишлаб келмоқда (2018 йил 26 ноябрь 10-ум-сон буйруқ).

Иккинчи имзо қўйиш ҳуқуқи билан 2010 йил 19 август кунидан ҳозирги вақтга қадар Усмонов Шерзод Азамович бош бухгалтер лавозимида ишлаб келмоқда.

Адвокатлар палатасининг устави Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 декабрь куни 689п-сон билан қайта давлат рўйхатига олинган бўлиб, Адвокатлар палатасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли **Палата** ҳисобланади (*устав ва гувоҳнома нусхаси илова қилинади*).

Уставга кўра, Адвокатлар палатасининг манзили: Тошкент шаҳар, Буюк ипак йўли кўчаси 471-уй.

ХХТУТ бўйича асосий фаолият коди – 98200.

ИФУТ бўйича асосий фаолият коди – 94990.

Адвокатлар палатаси 2009 йил 12 январда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида рўйхатга олинган ва унга 200553651-сонли солиқ тўловчининг идентификацион рақами берилган.

Палатанинг банк реквизитлари:

Ҳисобварағи: 2021 2000 7005 0226 1001

«Ўзсаноатқурилиш банки» Тошкент шаҳар минтақавий филиали,

Банк коди: 00424

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ижро этувчи органи – Бошқарув (бундан кейин Бошқарув)нинг 2017 йил 29 декабрдаги 27-сонли қарорига мувофиқ, Адвокатлар палатасининг ташкилий тузилмаси ва штатлар жадвалига бир қанча ўзгаришлар, яъни баъзи штат бирликлари қисқартирилган, бўлим ва лавозим номлари мувофиқлаштирилган, матбуот котиби лавозими киритилган ҳамда штатлар жадвалидаги штат бирлиги 34 нафарга тенг бўлган.

Бошқарувнинг 2019 йил 25 январдаги 1-сонли қарорига мувофиқ, Адвокатлар палатасининг ташкилий тузилмаси ва штатлар жадвалига бир қанча ўзгаришлар киритилиб штатлар жадвалидаги штат бирлиги 36 нафарга тенг бўлган.

Адвокатлар палатасида 2020 йилнинг 12 май ҳолатига 36 нафар ходим бўлиб, улардан 18 нафари ўриндошлик асосида (шулардан, бир нафари бола икки ёшга тўлгунига қадар бола парвариши таътилида), қолган 18 нафари эса асосий иш ўрни бўйича меҳнат фаолиятини олиб бормоқда (шулардан, бир нафари бола икки ёшга тўлгунига қадар бола парвариши таътилида). Бир нафар ходим ярим ставкада фаолият юритади.

Адвокатлар палатаси нотижорат ташкилот бўлиб, ўз фаолиятини адвокатлар томонидан тўланадиган кириш ва аъзолик бадаллари ҳамда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобидан молиялаштириб боради ва фақатгина мақсадли харажатларни амалга оширади.

Адвокатлар палатасида бухгалтерия ҳисоби «1С-Бухгалтерия» дастурида юритилган ҳамда зарурий бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ва бухгалтерия ҳисоби регистрларининг қоғоздаги нусхалари тайёрланган.

#### Текширишда қуйидагилар аниқланди:

Бошқарувнинг 2019 йил 25 январдаги 1-сонли қарорига асосан, Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармаларининг 2019 йил учун харажатлар сметаси тасдиқланган бўлиб, унга кўра Адвокатлар палатаси Марказий аппаратининг харажатлар сметаси қуйидагилардан иборат:

иш ҳақи фонди – бир ойда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 422 баробари, бир йилда эса 5 064 баробари, яъни бир йиллик миқдори энг кам иш ҳақининг ўзгариши ҳисобга олинганида **1 069 394 420,00 сўм**ни ташкил этган;

иш берувчининг ажратмалари (12% ягона ижтимоий тўлов) – бир ойда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 50,64 баробари, бир йилда эса 607,68 баробари, яъни бир йиллик миқдори энг кам иш ҳақининг ўзгариши ҳисобга олинганида **128 327 330,40 сўм**ни ташкил этган;

бошқа харажатлар учун – бир ойда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 100 баробари, бир йилда эса 1 200 баробари, яъни бир йиллик миқдори энг кам иш ҳақининг ўзгариши ҳисобга олинганида **253 411 000,00сўм**ни ташкил этган.

Булардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси раисига Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармаларининг таъминоти учун йил давомида йил якунидаги энг кам ойлик иш ҳақининг 2 400 (икки минг тўрт юз) баравари, яъни **535 200 000 сўм** (2400 \* 223000) миқдорида харажат қилиш ваколати берилган.

Шунингдек, 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳисобидан адвокатлар учун кўкрак белгиси тайёрлатиш, ижтимоий аҳамиятга эга видеороликлар суратга олиш ва намойиш этиш, ўқув тарғибот материаллари, брошюралар, буклетлар тайёрлаш ва/ёки нашр қилиш, вакиллик харажатлари ва тадбирлар ўтказиш билан боғлиқ бошқа харажатлар учун **450 000 000 (тўрт юз эллик миллион) сўм** ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун **500 000 000 (беш юз миллион) сўм** миқдоридаги пул маблағи ажратилган (*Бошқарув қарори илова қилинади*).

Адвокатлар палатасининг ҳисобварағида 2019 йилнинг бошига **1 780 795 815,24 (бир миллиард етти юз саксон миллион етти юз тўқсон беш минг саккиз юз ўн беш) сўм 24 тийин** миқдорида пул маблағи мавжуд бўлган.

2019 йил давомида Адвокатлар палатасининг ҳисобварағига жами **2 242 176 548,59 (икки миллиард икки юз қирқ икки миллион бир юз етмиш олти минг беш юз қирқ саккиз) сўм 59 тийин** миқдоридаги пул маблағи келиб тушган бўлиб, шундан, **2 180 087 088,59 сўми** ҳудудий бошқармалардан аъзолик ва кириш бадаллари ҳисобидан, **6 800 000 сўми** Адвокатлар палатаси томонидан ўтказилган халқаро конференция иштирокчиларининг 2019 йил 24 октябрдаги кечки овқат пули Адлия вазирлиги ҳисобидан қопланганлиги сабабли, корпоратив карточкадан тўланган пул асосий ҳисобвараққа қайтарилиши ҳисобидан, **28 284 000 сўми** шартнома бўйича III Конференция зал ижараси учун (ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛ) ўтказилган пулнинг 50% қайтарилиши ҳисобидан, **405 460 сўми** бюджетдан ташқари пенсия жамғармасидан суюнчи пули сифатида берилган ва **26 600 000 сўми** Адвокатлар палатаси терма жамоасини футбол чемпионатида иштироки учун ҳомийлик маблағлари ҳисобидан шаклланган (*ҳомийлик маблағлари 2020 йилда ҳам тушишида давом этмоқда, текширув кунига қадар жами ҳомийлик маблағлари суммаси 72 600 000 сўми ташкил этмоқда*).

Аъзолик ва кириш бадалларини ҳудудлар кесимида тушуми куйидагича:

*1-жадвал*

т/р	Ҳудуд номи	Йил давомида келиб тушган бадаллар миқдори
1	Андижон вилояти	79 959 301,00
2	Бухоро вилояти	10 725 013,00
3	Жиззах вилояти	0,00
4	Қашқадарё вилояти	16 959 472,00
5	Қорақалпоғистон Республикаси	7 050 794,00
6	Навоий вилояти	0,00
7	Наманган вилояти	9 920 342,00
8	Самарқанд вилояти	269 506 712,00
9	Сирдарё вилояти	9 894 878,98
10	Сурхондарё вилояти	2 294 365,64
11	Тошкент вилояти	74 582 352,85
12	Тошкент шаҳри	1 604 277 054,90
13	Фарғона вилояти	87 831 562,51
14	Хоразм вилояти	7 085 239,71
	<b>ЖАМИ</b>	<b>2 180 087 088,59</b>

2019 йил давомида Адвокатлар палатаси ҳисобидан жами **2 595 047 573,73 (икки миллиард беш юз тўқсон беш миллион қирқ етти минг беш юз етмиш уч) сўм 73 тийин** миқдорида харажат қилинган бўлиб, улар куйидагилардан иборат:

*2-жадвал*

Харажатлар мақсади	Ҳисобварақдан сарфланган	КПК дан сарфланган
Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга (пластик ва нақд)	903 769 275,48	
Даромад солиғини тўлашга	128 073 430,61	
Ягона ижтимоий тўловни тўлашга	120 180 877,54	

БТПЖ га ажратмани тўлашга (2018 йил декабрь ойи учун)	32 436,80	
ШЖБПХ га ажратмани тўлашга	1 087 842,19	
Ходимларнинг аризаларга асосан касаба уюшмасига ўтказилди	9 683 071,40	
Асосий воситаларни харид қилиш учун	41 463 300,00	4 076 900,00
Канцелярия моллари ва ТМЗ ларни харид қилишга	5 307 120,00	23 201 092,00
Электр-энергияси учун	29 425 172,70	
Табиий газ учун	27 383 188,42	
Совуқ сув ва канализация хизмати учун	3 609 004,59	
Адвокатлар палатасига тегишли иситиш қозонини таъмирлаш учун	193 500,00	
Телефон алоқа хизмати учун	2 805 963,81	
Маъмурий бинони сетлаштириш учун	20 554 000,00	
Интернет хизмати учун	14 688 000,00	
Е-ХАТ дастури таъминоти билан боғлиқ харажатлар учун	200 000,00	
Теленамойишлар хизмати учун	312 000,00	
Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғуртаси учун	525 106,01	
Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси учун	168 000,00	330 000,00
Интернет провайдерлик хизмати учун	479 500,00	
Оргтехника воситаларининг таъмири учун	5 440 000,00	
Ўзбекистон Республикасидан ташқарига хизмат сафарига бориб келиш учун Авиачипта сотиб олишга		79 057 469,00
Ўзбекистон Республикасидан ташқарига хизмат сафари учун хорижий валюта сотиб олиш учун (конвертация)	84 304 217,26	
Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хизмат сафарлари билан боғлиқ харажатлар учун ходимларга тўланган	37 264 239,24	
Ўзбекистон Республикаси ичкарасидаги хизмат сафарлари билан боғлиқ харажатлари учун ходимларга тўланган ва сарфланган	1 140 632,00	1 252 113,00
“Tashkent law spring” юридик форумига ҳомийлик қилиш учун	10 000 000,00	
“Tashkent law spring” юридик форуми адвокатурага ажратилган секцияси доирасида 2018 йилнинг “Энг яхши адвокатлик тузилмаси” ва “Энг яхши адвокат” танлови ғолибларини тақдирлаш учун эсдалик совғалари (2 та ноутбук сумкаси билан) харид қилиш учун	8 774 200,00	
“Tashkent law spring” юридик форуми адвокатурага ажратилган секцияси тарқатма материалларини тайёрлатиш билан боғлиқ типография хизматлари учун	16 318 200,00	357 751,00
“Tashkent law spring” юридик форуми адвокатурага ажратилган секцияси иштирокчиларига эсдалик совғалари тайёрлатиш учун	15 713 000,00	
“Tashkent law spring” юридик форуми адвокатурага ажратилган секцияси меҳмонларига кечки овқат ташкиллаштириш учун (Бошқарувнинг 25.01.2019 йил 1-сон қарори)		15 885 000,00
Адвокатлар палатаси томонидан ўтказилган халқаро конференция иштирокчиларига сертификатлар ва тадбир дастурини чоп этиш учун	1 955 000,00	
Адвокатлар палатаси томонидан ўтказилган халқаро конференцияда Туркиялик меҳмонларга таржимон хизмати ва синхрон таржима ускуналари ижараси учун	8 150 000,00	

Адвокатлар палатаси томонидан ўтказилган халқаро конференция доирасида Самарқанд шаҳрига саёҳат ташкиллаштириш хизмати учун	18 415 000,00	
Адвокатлар палатаси томонидан ўтказилган халқаро конференция доирасида Самарқанд шаҳрига саёҳат билетларини харид қилиш учун		12 252 292,00
Адвокатлар палатаси томонидан ўтказилган халқаро конференция иштирокчиларига миллий хунармандчилик совғаларини тайёрлатиш учун (кейинчалик Адлия вазирлиги томонидан қопланган)	27 000 000,00	
Адвокатлар палатаси томонидан ўтказилган халқаро конференция иштирокчиларига кечки овқат ташкиллаштириш учун (кейинчалик Адлия вазирлиги томонидан 6 800 400 сўми қопланган)		11 592 440,00
Адвокатлар палатаси томонидан ўтказилган халқаро конференция билан боғлиқ тадбирлар доирасида спиртли ичимликлар харид қилиш учун		3 094 000,00
Адвокатлар палатаси томонидан ўтказилган халқаро конференцияда фаоллик кўрсатган аёл адвокатлар ва аёл ходимларга эсдалик совғалари харид қилиш учун (Адвокатлар палатаси раисининг 23.10.2019 йил 13-ум-сон буйруғи)		2 612 500,00
Адвокатлар палатаси томонидан ўтказилган халқаро конференцияда фаоллик кўрсатган эркак адвокатларга кечки овқат ташкиллаштириш учун (Адвокатлар палатаси раисининг 23.10.2019 йил 13-ум-сон буйруғи)		4 391 000,00
Хорижий давлатларга хизмат сафарларида мезбонларга эсдалик учун миллий совғалар харид қилиш		9 540 000,00
Адвокатлар палатасига ташриф буюрувчи меҳмонлар ва турли тадбирлар доирасида фойдаланиш мақсадида миллий хунармандчилик маҳсулотларидан иборат совғалар (лаган ва х.к.) тайёрлатиш учун	17 500 000,00	
Адвокатлар палатаси ташаббуси билан ўтказилган адвокатлар ўртасида футбол ва шахмат бўйича мусобақалар ғолибларига эсдалик совғалари харид қилиш учун (Раиснинг 25.06.2019 йил 12-ф-сон ва 12.08.2019 йил 13-ф-сон фармойишлари)		12 819 000,00
Мини футбол бўйича (Баку шаҳрида) спорт кийимларини сотиб олиш учун (Бошқарувнинг 27.09.2019 йил 2-сон ва 28.12.2019 йил 3-сон қарорларига асосан)		31 810 000,00
Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармасига 3-Конференция делегатлари 17.11.2018 йилдаги хизмат сафар харажатларини қоплаш учун зарурий маблағ	2 653 472,00	
Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармасига 3-Конференция делегатлари 17.11.2018 йилдаги хизмат сафар харажатларини қоплаш учун зарурий маблағ	3 453 998,00	
Ҳудудий бошқармаларни молиялаштириш учун	429 493 338,76	
Ҳудудий бошқармаларга маиший техника воситаларини сотиб олишлари учун зарурий маблағлар ўтказилди (Бошқарувнинг 25.01.2019 йилдаги 1-сонли қарорига асосан)	131 195 000,00	
Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси маъмурий биносини электр таъминоти ва иситиш тизимини таъмирлаш учун зарур маблағ ўтказилди (Бошқарувнинг 25.01.2019 йилдаги 1-сонли қарорига асосан)	65 449 600,00	
Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси маъмурий биносига иситиш қозони ва видеокузатув камераларини қўйдириш учун маблағ ўтказилди (Бошқарувнинг 25.01.2019 йилдаги 1-сонли қарорига асосан)	30 000 000,00	

Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасига мебел жиҳозлари сотиб олиш учун маблағ ўтказилди (Бошқарувнинг 25.01.2019 йилдаги 1-сонли қарорига асосан)	47 359 680,00	
Аванс китобчасини тўлдириш учун (конверт ва марка учун)	5 000 000,00	
Бошқарув мажлиси кунлари Бошқарув аъзоларига тушлик ташкиллаштириш учун (Бошқарувнинг 25.01.2019 йилдаги 1-сонли қарорига асосан)		3 955 150,00
Автотранспорт воситасини техник кўриқдан ўтказиш учун	40 546,00	
Ласетти ва кобальт автотранспорларига зарурий эҳтиёт қисмлари ва техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар	10 906 800,00	6 335 000,00
Ласетти автотранспортга газ балон ўрнатиш учун		3 700 000,00
Ласетти автотранспортга янги техпаспорт олиш учун		201 706,21
Автотранспорт воситаларига бензин ва газ ёқилғисини харид қилиш учун		19 034 500,00
Типографик хизматлар учун (қабул кунлари жадвали ва табриқномалар тайёрлатиш)		1 192 000,00
Корпоратив карточкани тўлдириш учун (КПК харажатлари кейинги устунда кўрсатилган)	251 500 000,00	
Бола туғилганида бир йўла бериладиган нафақа (суюнчи пули)ни тўлаш учун	405 460,00	
Фарзандини икки ёшга етгунга қадар парваришлаш учун тўланадиган нафақа	9 311 992,67	
Ходимларнинг иш ҳақи ҳисобидан контракт пули	24 951 055,00	
Ходимнинг иш ҳақи ҳисобидан даволаниши учун қарз берилди	14 000 000,00	
Малака имтиҳони саволларини рус тилига таржима қилдириш хизматлари учун		2 350 000,00
Мажлислар залидаги овоз узатиш ускунасини таъмирлатиш учун		200 000,00
Банк харажатлари	7 411 353,25	
<b>ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР</b>	<b>2 595 047 573,73</b>	<b>249 239 913,21</b>

Бошқарувнинг 2019 йил 25 январдаги 1-сонли қарори 3-банди учинчи қисмига асосан, 2019 йилда Адвокатлар палатаси ҳисобидан адвокатлар учун кўкрак белгиси тайёрлатиш, ижтимоий аҳамиятга эга видеороликлар суратга олиш ва намойиш этиш, ўқув тарғибот материаллари, брошюралар, буклетлар тайёрлаш ва/ёки нашр қилиш, вакиллик харажатлари ва тадбирлар ўтказиш билан боғлиқ бошқа харажатлар учун **450 000 000 (тўрт юз эллик миллион) сўм** ҳамда Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун **500 000 000 (беш юз миллион) сўм** миқдоридаги пул маблағи ажратилган.

Ушбу мақсадларда, Адлия вазирлиги ташаббуси билан 2019 йил апрель ойида ўтказилган “Tashkent law spring” юридик форуми доирасида адвокатурага ажратилган секцияси ишини самарали ташкил этиш ва ўтказиш учун Адвокатлар палатаси ҳисобидан жами **57 048 151 сўм** миқдоридаги пул маблағи сарфланган (*2-жадвалда харажатлар мақсадлари билан кўрсатилган*).

Бундан ташқари, ушбу форумда қатнашиш учун рўйхатдан ўтиш пулли бўлганлиги сабабли Адвокатлар палатаси вакилларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳомийлик мақсадида тузилган ҳомийлик шартномаси асосида **10 000 000 сўм** маблағ сарфланган.

Адвокатлар палатаси ташаббуси билан 2019 йил октябрь ойида “Адвокатура институтини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон ва хорижий давлатлар тажрибаси” мавзусидаги Тошкент халқаро адвокатлар конференцияси ўтказилган.

Мазкур нуфузли конференцияни ўтказиш жараёнида, Ўзбекистон Республикаси

Бош вазирининг биринчи ўринбосари томонидан 2019 йил 23 октябрь куни 12/1-886-сон билан “Адвокатура институтини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон ва хорижий давлатлар тажрибаси” мавзусидаги Тошкент халқаро адвокатлар конференциясининг (кейинги ўринларда Конференция деб юритилади) хорижий иштирокчиларини Ўзбекистон Республикасида бўлиши тўғрисидаги дастур тасдиқланган бўлиб, дастурга кўра:

Синхронист таржимонлар, зал, овоз кучайтириш мосламалари ва синхрон таржима учун жиҳозлар тўплами ижараси, тарқатма материалларни тайёрлаш ва чоп этиш хизматлари, канцелярия буюмларини харид қилиш билан боғлиқ харажатлар БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган;

24-25 октябрь кунлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида овқатланиш, шунингдек Конференция иштирокчиларига совғалар тўпламини тайёрлатиш билан боғлиқ харажатлар бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан **75 430 800 (етмиш беш миллион тўрт юз ўттиз минг саккиз юз) сўм** миқдоридан харажат амалга оширилган;

Дастур ижро юзасидан 2019 йил 23 октябрь куни Адвокатлар палатаси раисининг “Адвокатура институтини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон ва хорижий давлатлар тажрибаси” мавзусидаги Тошкент халқаро адвокатлар конференциясини самарали ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида 13-ум-сон буйруғи чиқарилган бўлиб, ушбу мақсадларда Адвокатлар палатаси ҳисобидан **71 903 192 (етмиш бир миллион тўққиз юз уч минг бир юз тўқсон икки) сўм** миқдоридан пул маблағи сарфланган.

Мазкур сарфланган пул маблағлари Бошқарувнинг 2019 йил 28 декабрдаги 3-сон Қарорига асосан мақсадли сарфланган деб ҳисобланган.

3-жадвал

т/р	Харажат мақсади	Суммаси	Шундан (23.10.2019 й. 12/1-886-сон дастур бўйича)	
			Адлия вазирлиги ҳисобидан	Адвокатлар палатаси ҳисобидан
1	24 октябрь кунига Тошкент - Самарқанд - Тошкент йўналишида чипталари (Россия, Қирғизистон, Тожикистон, Туркия, жами 18 киши учун)	3 852 292,00		3 852 292,00
2*	24 октябрь куни Самарқанд шаҳри бўйлаб саёҳат (16 киши)	8 915 000,00	2 880 000,00	6 035 000,00
2.1.	Тошкент шаҳрида трансфер хизмати (8 тадан 2 та гуруҳ, жами 16 киши): Меҳмонхона - Темир йўл бекати, Темир йўл бекати - Ресторан, Ресторан - Меҳмонхона	1 800 000,00		1 800 000,00
2.2.	Самарқанд шаҳрида транспорт хизмати (2 та Minibus * 1 000,0 минг)	2 000 000,00		2 000 000,00
2.3.	Рус тилида сўзловчи ГИД хизмати (2 нафар * 300,0 минг)	600 000,00		600 000,00
2.4.	Самарқанд шаҳридаги тарихий обидаларга кириш билетлари: Маҳаллий: 3 нафар * 25,0 минг Хорижий: 13 нафар * 120,0 минг	1 635 000,00		1 635 000,00
2.5.	Самарқанд шаҳридаги "АРБА" ресторанида тушлик (16 киши * 60,0 минг)	960 000,00	960 000,00	
2.6.	Саёҳат якунида Тошкент шаҳрида кечки овқат (16 киши * 120,0 минг)	1 920 000,00	1 920 000,00	



3	24 октябрь кунига кечки овқат ("Piligrim" ресторанида, спиртли ичимликлардан ташқари)	6 800 400,00	6 800 400,00	
4	24 октябрь кунига кечки овқат ("Piligrim" ресторанида, спиртли ичимликлар)	2 088 000,00		2 088 000,00
5	Тошкент шаҳридаги "VERONA" ресторанида 25 октябрь кунига кечки овқат (спиртли ичимликлардан ташқари)	38 750 400,00	38 750 400,00	
6	Тошкент шаҳридаги "VERONA" ресторанида 25 октябрь кунига кечки овқат (спиртли ичимликлар)	2 129 000,00		2 129 000,00
7	26 октябрь кунига Тошкент - Самарқанд - Тошкент йўналишида темир йўл чипталари (40 киши учун)	8 400 000,00		8 400 000,00
8	26 октябрь куни Самарқанд шаҳри бўйлаб саёҳат (40 киши)	12 590 000,00	0,00	12 590 000,00
8.1.	Тошкент шаҳрида трансфер хизмати (40 киши): Темир йўл бекати - Ресторан	500 000,00		500 000,00
8.2.	Самарқанд шаҳрида транспорт хизмати (1 та Автобус)	1 500 000,00		1 500 000,00
8.3.	Рус тилида сўзловчи ГИД хизмати (1 нафар)	300 000,00		300 000,00
8.4.	Самарқанд шаҳридаги тарихий обидаларга кириш билетлари: Маҳаллий: 18 нафар * 25,0 минг Хорижий: 22 нафар * 120,0 минг	3 090 000,00		3 090 000,00
8.5.	Самарқанд шаҳридаги "АРБА" ресторанида тушлик (40 киши * 60,0 минг)	2 400 000,00		2 400 000,00
8.6.	Саёҳат якунида Тошкент шаҳрида кечки овқат (40 киши * 120,0 минг)	4 800 000,00		4 800 000,00
9	26 октябрь кунига кечки овқат ("TANHO" ресторанида)	2 974 040,00		2 974 040,00
10	Туркия делегатлари учун синхрон таржима ва жиҳозлар ижараси	8 150 000,00		8 150 000,00
11*	Тадбир қатнашчиларига совғалар (150 та * 180,0 минг)	27 000 000,00	27 000 000,00	
12	Тадбир дастури (рус ва инглиз тилларида) ва сертификатлар чоп этиш хизмати учун	1 955 000,00		1 955 000,00
13	Халқаро конференция яқунлари бўйича конференция ишида жонбозлик кўрсатган, фаол ходимларни ва адвокатларни Адвокатлар палатаси ҳисобидан пул ёки эсдалик совғалари билан тақдирлаш	11 603 860,00		11 603 860,00
14	Халқаро конференция яқунлари бўйича хорижий меҳмонларга бириктирилган ва уларга ўзларига тегишли транспорт воситалари билан хизмат қилган адвокатларни рағбатлантириш	12 126 000,00		12 126 000,00
	<b>ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР</b>	<b>147 333 992,00</b>	<b>75 430 800,00</b>	<b>71 903 192,00</b>

Йил якунига ушбу операциялар бўйича Самарқанд шаҳрига саёҳатни ташкиллаштирган "SILK TOUR" МЧЖ туристик ташкилотининг **2 880 000 сўм** ва тадбир

катнашчиларига совғалар тайёрлаб берган хунарманд ЯТТ “Nigmatov Mirsaid Ravshanovich”нинг **27 000 000 сўм** миқдорида Адвокатлар палатасига қайтариши керак бўлган маблағлари мавжуд.

Адвокатлар палатасига ташриф буюрувчи меҳмонлар ва турли тадбирлар доирасида фойдаланиш мақсадида миллий хунармандчилик маҳсулотларидан иборат совғалар (лаган ва ҳ.к.) тайёрлатиш, шунингдек Адвокатлар палатаси вакилларининг хорижий давлатларга хизмат сафарларида мезбонларга эсдалик учун миллий совғалар харид қилиш мақсадида йил давомида Адвокатлар палатаси ҳисобидан **27 040 000 сўм** миқдоридаги пул маблағи сарфланган.

Шунингдек, Адвокатлар палатаси Бошқарув мажлислари ўтказилган кунлари Бошқарув аъзоларига тушлик ташкиллаштириш учун Адвокатлар палатаси ҳисобидан **3 955 150 сўм** миқдоридаги пул маблағи сарфланган.

Шунда, тадбирлар ўтказиш ва вакиллик харажатлари учун Бошқарув қарорига мувофиқ ажратилган 450 000 000 сўмдан йил давомида шу мақсадларда жами **187 505 533 сўм** миқдоридаги маблағ Адвокатлар палатаси ҳисобидан сарфланган, бундан **36 680 400 сўмлик** қисми Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари томонидан 2019 йил 23 октябрь куни 12/1-886-сон билан тасдиқланган дастур бўйича Адлия вазирлиги ҳисобидан қопланганлиги сабабли Адвокатлар палатасига қайтарилган *(2-жадвалда батафсил кўрсатилган)*.

Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун Бошқарув қарорига мувофиқ ажратилган 500 000 000 сўмдан шу мақсадларда йил давомида **319 544 480 сўми** сарфланган *(2-жадвалда батафсил кўрсатилган)*.

Бошқарувнинг 2019 йил 25 январдаги 1-сонли қарори 3-банди иккинчи қисмига асосан, Адвокатлар палатаси раисига Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармаларининг таъминоти учун йил давомида йил якунидаги энг кам ойлик иш ҳақининг 2 400 (икки минг тўрт юз) баравари миқдорида харажат қилиш ваколати берилган.

Шундан келиб чиқиб, Адвокатлар палатаси раисининг 2019 йил 25 июнь кунги 12-ф-сон Фармойишига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 февралдаги 118-сон қарори билан тасдиқланган “2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш Концепцияси”нинг ижросини таъминлаш юзасидан Республикамизда фаолият юритаётган адвокатлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оммавий спортни ривожлантириш ва Озарбайжон Республикасида бўлиб ўтадиган футбол бўйича адвокатлар ўртасидаги халқаро мусобақада иштирок этиш учун адвокатлар орасидан футбол бўйича Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси терма жамоасини шакллантириш мақсадида 2019 йил июль ойининг биринчи ярмида Республикамиздаги адвокатлар ўртасида спортнинг футбол тури бўйича мусобақа ўтказилган *(Фармойиш илова қилинади)*.

Бундан ташқари, Адвокатлар палатаси раисининг 2019 йил 12 август кунги 13-ф-сон Фармойишига мувофиқ, 2019 йил август ойининг иккинчи ярмида Республикамиздаги адвокатлар ўртасида спортнинг шахмат тури бўйича мусобақа ўтказилган *(Фармойиш илова қилинади)*.

Фармойишларга кўра, мусобақа ғолиблари Адвокатлар палатасининг эсдалик совғалари билан тақдирланиши белгиланган.

Ҳар икки нуфузли мусобақани юқори савияда ўтказиш ва ташкилий тайёргарлик харажатлари учун Адвокатлар палатаси раиси ваколати доирасидаги маблағлар ҳисобидан 15 000 000 (ўн беш миллион) сўмдан, жами 30 000 000 сўм миқдоридаги пул маблағи ажратилган.

Ушбу ажратилган пул маблағидан, жами **12 819 000** сўмлик қисми шу мақсадларда сарфланган.

Адвокатлар палатаси ҳисобидан йил давомида ҳудудий бошқармаларга иш ҳақи, ажратмалар ва бошқа харажатлар учун ўтказиб берилган маблағлар (тасдиқланган смета бўйича) қуйидагича бўлган:

4-жадвал

т/р	Ҳудудий бошқарма	Йил давомида ўтказилган маблағи миқдори
1	Андижон вилояти	3 289 839,00
2	Бухоро вилояти	22 910 307,00
3	Жиззах вилояти	59 253 851,02
4	Қашқадарё вилояти	8 667 076,00
5	Қорақалпоғистон Республикаси	19 147 876,00
6	Навоий вилояти	125 999 390,93
7	Наманган вилояти	45 671 973,00
8	Сирдарё вилояти	62 800 682,78
9	Сурхондарё вилояти	63 399 713,48
10	Тошкент вилояти	5 703 695,01
11	Фарғона вилояти	5 924 120,62
12	Хоразм вилояти	6 724 813,92
	<b>ЖАМИ</b>	<b>429 493 338,76</b>

Бундан ташқари, Адвокатлар палатаси ҳисобидан йил давомида ҳудудий бошқармаларга маиший техника воситаларини харид қилишлари учун ўтказиб берилган маблағлар қуйидагича бўлган:

5-жадвал

т/р	Ҳудудий бошқарма	Йил давомида ўтказилган маблағи миқдори
1	Андижон вилояти	10 525 000,00
2	Бухоро вилояти	14 170 000,00
3	Қорақалпоғистон Республикаси	13 155 000,00
4	Навоий вилояти	14 359 000,00
5	Наманган вилояти	17 440 000,00
6	Самарқанд вилояти	16 250 000,00
7	Сирдарё вилояти	9 800 000,00
8	Сурхондарё вилояти	10 000 000,00
9	Фарғона вилояти	12 196 000,00
10	Хоразм вилояти	13 300 000,00
	<b>ЖАМИ</b>	<b>131 195 000,00</b>

Адвокатлар палатасининг иш юритувчи котиби М.Рахматуллаева соғлигини тиклаш учун иш ҳақи ҳисобидан қарз бериш тўғрисида ариза ёзган бўлиб, унинг аризаси Адвокатлар палатаси Бирлашган қасаба уюшма қўмитасининг 2019 йил 11 ноябрдаги йиғилишида муҳокама қилинган ва қаноатлантирилган. Шундан келиб чиқиб, 2019 йил 12 ноябрь куни М.Рахматуллаева билан 1-сонли қарз шартномаси тузилган ва унга иш ҳақи ҳисобидан **14 000 000 (ўн тўрт миллион) сўм** миқдорида пул маблағини соғлигини тиклаш учун қарзга берилган.

Шартноманинг 2.2.-бандига кўра, Қарз олувчи олинган қарз суммасини 2019 йил ноябрь – 2020 йил июнь ойлари иш ҳақи ҳисобидан ушлаб қолиш йўли билан ҳар ойда 1 750 000 (бир миллион етти юз эллик минг) сўмдан Қарз берувчига қайтариб бериш мажбуриятини олганлиги сабабли, ҳозирда ушбу қарз суммаси шартномага мувофиқ тарзда М.Рахматуллаеванинг иш ҳақи ҳисобидан ушлаб қолинмоқда.

**Хорижий давлатларга амалга оширилган хизмат сафарлари юзасидан:**

2019 йил давомида хорижий давлатлар томонидан киритилган таклифларни инобатга олиб, Адвокатлар палатаси раисининг буйруқларига асосан Адвокатлар палатаси ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилган ва уларнинг хизмат сафарлари билан боғлиқ бўлган харажатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2015 йил 19 октябрдаги 92-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартиби тўғрисида»ги Низом талаблари доирасида қоплаб берилган:

Жумладан, 2019 йил 21-22 июнь кунлари Россия Федерацияси, Калининград вилояти, Светлогорск шаҳрида Калининград вилояти Адвокатлар палатасининг ташаббуси билан Халқаро амалий конференция ўтказилган бўлиб, 2019 йил 29 майдаги 3-хс-сонли буйруққа асосан А.Эрназаров Светлогорск шаҳрига хизмат сафарига юборилган, ушбу хизмат сафари учун Адвокатлар палатаси ҳисобидан қуйидаги харажатлар амалга оширилган:

Тошкент – Москва – Калининград йўналишига авиачипта сотиб олиш учун – 2 475 716 сўм, Калининград – Тошкент йўналишига авиачипта сотиб олиш учун – 2 233 891 сўм, жами **4 709 607 сўм**.

Яшаш, суткалик ва вакиллик харажатлари учун жами – **3 867 549 сўм**.

2019 йил 11-15 сентябрь кунлари Туркия Республикасида Туркий тилда сўзлашувчи ва қардош мамлакатлар адвокатлари ассоциацияси 3-Бош Ассамблеяси йиғилиши ўтказилган бўлиб, 2019 йил 9 сентябрдаги 9-хс-сонли буйруққа асосан А.Эрназаров ва Г.Сайфиевалар Туркия Республикасига хизмат сафарига юборилган, ушбу хизмат сафари учун Адвокатлар палатаси ҳисобидан қуйидаги харажатлар амалга оширилган:

Суткалик харажатлар учун жами – **4 228 033,50 сўм**, қолган барча харажатлар қабул қилувчи томон ҳисобидан амалга оширилган.

2019 йил 20-21 сентябрь кунлари Россия Федерацияси, Саранск шаҳрида мини футбол бўйича адвокатлар орасида IX Умумроссия чемпионати ўтказилган бўлиб, 2019 йил 17 сентябрдаги 10-хс-сонли буйруқ билан тузилган делегация таркибида А.Махаммадиев Саранск шаҳрига хизмат сафарига юборилган, ушбу хизмат сафари учун Адвокатлар палатаси ҳисобидан қуйидаги харажатлар амалга оширилган:

Тошкент – Москва – Саранск, Казань – Тошкент йўналишларига авиачипта сотиб олиш учун жами **5 594 753 сўм**.

Яшаш ва суткалик харажатлари учун жами – **3 102 860,50 сўм**.

Ушбу чемпионатда жами 9 нафар адвокат иштирок этган бўлиб, 8 нафари барча харажатларни ўз ҳисобидан қоплаганлиги маълум бўлди.

Бошқарувнинг 2019 йил 27 сентябрдаги 2-сон Қарори тўртинчи бандига мувофиқ, Озарбайжон ва Грузия адвокатлар ассоциациялари ташкил қилинганлигининг 100 йиллиги муносабати билан Баку шаҳрида адвокатлар ўртасида ўтказиладиган футбол бўйича халқаро мусобақада Ўзбекистон Республикаси адвокатлари номидан қатнашувчи адвокатлар ва Адвокатлар палатаси вакилларига уларнинг хизмат сафарлари ҳамда ташкилий тайёргарлик билан боғлиқ харажатлари учун Ўзбекистон Республикаси

Адвокатлар палатаси ҳисобидан **145 000 000 (бир юз қирқ беш миллион) сўм** миқдордаги пул маблағи ажратилган (*Бошқарув қарори илова қилинади*).

Адвокатлар палатаси раисининг 2019 йил 27 сентябрдаги 12-хс-сон буйруғига кўра, Баку шаҳрида адвокатлар ўртасида ўтказиладиган футбол бўйича халқаро мусобақада иштирок этиш учун Адвокатлар палатасининг расмий вакили сифатида бош бухгалтер Ш.Усмоновнинг раҳбарлигида делегация тузилган ва 2019 йил 1-8 октябрь кунлари терма жамоанинг аъзолари билан биргаликда Баку шаҳрига хизмат сафарига юборилган (*буйруқ нусхаси илова қилинади*).

Ўзбекистон Республикаси адвокатлари номидан қатнашувчи адвокатлар ва Адвокатлар палатаси вакилига уларнинг хизмат сафарлари ҳамда ташкилий тайёргарлик билан боғлиқ харажатлари учун қуйидаги миқдорларда пул маблағлари сарфланган:

*б-жадвал*

1	Терма жамоанинг 10 нафар аъзосига индивидуал спорт кийимларини харид қилиш учун	31 810 000 сўм
2	Делегация аъзоларига Тошкент – Баку – Тошкент йўналиши бўйича авиачипта харид қилиш учун	39 204 363 сўм
3	Делегация аъзоларининг Баку шаҳридаги “Caspian sport hotel” меҳмонхонасида яшаши учун (01-08 октябрь кунлари) ва суткалик харажатлар учун	36 194 392,50 сўм
4	Мезбонларга эсдалик совғаларини харид қилиш учун	800 000 сўм
	<b>ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР</b>	<b>108 008 755,50 сўм</b>
	<b>Шундан, хомийлик маблағлари ҳисобидан</b>	<b>11 000 000,00 сўм</b>
	<b>Адвокатлар палатаси маблағлари ҳисобидан</b>	<b>97 008 755,50 сўм</b>

Бошқарувнинг юқоридаги Қарори 4-бандининг учинчи қисмига мувофиқ, Баку шаҳрида адвокатлар ўртасида ўтказиладиган футбол бўйича халқаро мусобақада Ўзбекистон Республикаси адвокатлари номидан қатнашувчи 10 (ўн) нафар адвокатларга индивидуал тарзда Адвокатлар палатаси ҳисобидан сотиб олинган спорт кийимлари мазкур чемпионатда иштирок этган адвокатларга текинга тарқатиш йўли билан ҳисобдан чиқарилиши белгиланганлиги боис, спорт кийимлари айнан ўша адвокатларга текинга бериш йўли билан Адвокатлар палатаси ҳисобидан чиқарилган.

Мазкур сарфланган пул маблағлари Бошқарувнинг 2019 йил 28 декабрдаги 3-сон Қарорига иккинчи бандига асосан мақсадли сарфланган деб ҳисобланган.

2019 йил 4 октябрь куни Озарбайжон Республикаси Баку шаҳрида “Кучли ва нуфузли адвокатура институти – давр талаби” мавзусидаги Халқаро конференция ўтказилган бўлиб, Адвокатлар палатаси раисининг 2019 йил 27 сентябрдаги 13-хс-сонли буйруғига асосан А.Эрназаров 3-6 октябрь кунлари Баку шаҳрига хизмат сафарига юборилган, ушбу хизмат сафари учун Адвокатлар палатаси ҳисобидан қуйидаги харажатлар амалга оширилган:

Тошкент – Баку – Тошкент йўналишига авиачипта сотиб олиш учун – **3 551 745 сўм.**

Яшаш ва суткалик харажатлари учун жами – **3 631 835,90 сўм.**

2019 йил 8 ноябрь куни Грузия Республикаси Тбилиси шаҳрида Адвокатларнинг 7-Халқаро конференция ўтказилган бўлиб, Адвокатлар палатаси раисининг 2019 йил 5 ноябрдаги 14-хс-сонли буйруғига асосан А.Эрназаров 7-10 ноябрь кунлари Тбилиси шаҳрига хизмат сафарига юборилган, ушбу хизмат сафари учун Адвокатлар палатаси ҳисобидан қуйидаги харажатлар амалга оширилган:

Тошкент – Баку – Тошкент йўналишига авиачипта сотиб олиш учун – **3 644 617 сўм**

ва Баку – Тбилиси – Баку йўналишига авиачипта сотиб олиш учун – 1 825 950 сўм, жами **5 470 567 сўм**.

Яшаш, суткалик ва вакиллик харажатлари учун жами – **3 559 038,75 сўм**.

2019 йилнинг 9-10 декабрь кунлари Хитой Халқ Республикасининг Гуанчжоу шаҳрида Бутунхитой Адвокатлар ассоциацияси томонидан “Илмий-техник ривожланиш ва юридик хизмат” мавзусида “Юристарнинг глобал форуми” ўтказилган бўлиб, Адвокатлар палатаси раисининг 2019 йил 02 декабрдаги 17-хс-сонли буйруғига асосан А.Эрназаров 7-12 декабрь кунлари Гуанжоу шаҳрига хизмат сафарига юборилган, ушбу хизмат сафари учун Адвокатлар палатаси ҳисобидан қуйидаги харажатлар амалга оширилган:

Тошкент – Гуанжоу – Тошкент йўналишига авиачипта сотиб олиш учун – **4 541 000 сўм**.

Яшаш ва суткалик харажатлари учун жами – **9 205 869,20 сўм**.

Адвокатлар палатаси томонидан хорижий давлатлар билан боғлиқ хизмат сафарлари харажатларини тўлаш жараёнида барча зарурий ҳужжатлар тўлиқ расмийлаштирилган.

### **Ҳисобланган иш ҳақи ва ундан ажратмалар** **(солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар)**

2019 йил давомида Адвокатлар палатаси томонидан 41 нафар ишчи ходимларга ойлик иш ҳақи ҳисобланган бўлиб, шундан ўриндошлик асосида ишлаганлар 22 нафарни ташкил этган.

2019 йил давомида ходимларга ҳисобланган иш ҳақи фонди **1 080 270 960,50 сўм** бўлиб, бундан **9 717 452,67 сўми** бола 2 ёшга тўлгунига қадар тўланадиган нафақа, Адвокатлар палатаси раисининг фармойишларига асосан ходимларга **63 373 020 сўм** моддий ёрдам, **58 486 900 сўм** мукофот пуллари, **6 180 000 сўми** эса моддий наф тарзидаги даромад (икки нафар ходимга берилган спорт кийимлари) ҳисобланади.

Ҳисобланган даромад солиғи – **117 867 531,94 сўм** бўлиб, шундан бюджетга – **116 889 029,46 сўм**, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ажратма эса – **978 502,48 сўм**ни ташкил этган.

Иш ҳақи фондидан ягона ижтимоий тўлов – **120 120 058,54 сўм**ни ташкил этган, яъни:

$$(1\ 080\ 270\ 960,50 - 9\ 717\ 452,67 - 63\ 373\ 020 - 6\ 180\ 000) * 12\%$$

### **Касса юритиш тартиби бўйича**

Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 19 октябрда ЭГ/17-19-2075-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (19-сонли БҲМС) “Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш” (1999 йил 2 ноябрь, рўйхат рақами 833-сон) талаблари асосида Адвокатлар палатаси раисининг 2017 йил 4 декабрь 19-ф-сонли фармойиши билан Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасида пул маблағлари, бойликлар ва қатъий ҳисобдаги бланкларни инвентарлаш учун доимий асосда ишловчи комиссия тузилган.

Мазкур фармойишга кўра, Комиссия Адвокатлар палатаси кассасида ҳар чоракда камида бир марта тафтиш ўтказиб, кассадаги барча нақд пул ва бошқа қимматликларни бирма-бир қайта санаб, текширилишини таъминлаб келмоқда.

Адвокатлар палатасида касса китоби юритилган бўлиб, унга нақд пуллар кирими ва чиқими ёзиб борилган.

Текширув даври давомида банк муассасасидан кассага олинган нақд пуллар айнан қандай мақсадлар учун олинган бўлса, шу мақсадларга тўғри сарфланган ва тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган (*маълумотнома илова қилинади*).

2020 йилнинг 27 май куни ҳолатига Адвокатлар палатасининг кассасида нақд пул қолдиғи мавжуд эмас.

**Адвокатлар палатасида мавжуд асосий воситалар бўйича**

Адвокатлар палатасида 2019 йил 31 декабрь кунига кўра мавжуд асосий воситаларнинг бошланғич қиймати – **1 940 563 491,20 сўми** ташкил этган (*Асосий воситалар бўйича ҳисоботлар илова қилинади*).

Адвокатлар палатасида мавжуд асосий воситалар ва товар-моддий бойликлар санокдан ўтказилганида ҳеч қандай камомад ва ортиқчаликлар аниқланмади.

Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 29 октябрдаги 4, 129, 2002-86-сон қарори билан тасдиқланган «1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низом (2002 йил 4 декабрь, рўйхат рақами 1192-сон) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (2003 йил 18 сентябрь) ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг (2003 йил 12 сентябрь) ҳамкорликдаги ТД 17-11/642, 16/2-7/47-сонли тушунтиришлари асосида Адвокатлар палатасида мавжуд асосий воситалар ўз вақтида қайта баҳоланиб борилган.

Асосий воситалар моддий жавобгар шахсларга қабул қилиш-топшириш далолатномалари орқали бириктирилган.

Асосий воситаларга ўз вақтида белгиланган тартибларга кўра эскириш ҳисобланиб борилган.

2019 йил якунига Адвокатлар палатаси ҳисобварағидаги пул маблағининг қолдик қисми **1 427 924 790,10 (бир миллиард тўрт юз йигирма етти миллион тўққиз юз йигирма тўрт минг етти юз тўқсон) сўм 10 тийинни** ташкил этган.

Текшириш далолатномаси 2 (икки) нусхада тузилди ва бир нусхаси Адвокатлар палатасида, бир нусхаси эса Тафтиш комиссиясида сақланади.

Тафтиш комиссияси раиси

С.Джураев

Тафтиш комиссияси аъзолари

С.Розиков

Ш.Суванов

Т.Саматов

Т.Садинов

*Далолатнома билан танишиб, бир нусха олдик*

Адвокатлар палатаси раисининг  
биринчи ўринбосари

Ш.Садиков

Бош бухгалтер

Ш.Усмонов

